# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 14 декабрь, № 259 (7489) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ДИИҲБ САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХҲТ ДИИҲБ) Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Каетана де Зулуэта Оутрамни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда ташкилот Бош котиби Томас Гремингернинг мамлакатимизга ташрифи якунида қабул қилинган ЕХҲТ билан шерикликни кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси” амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташкилотнинг Парламент Ассамблеясидаги ўз иштирокини тиклади. ЕХҲТ юртимиздаги парламент сайловларига 1999 йилдан буён илк бор тўлақонли миссияни жўнатди.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида батафсил фикр алмашилди, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, сайлов ва бошқа соҳаларда қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

ЕХҲТ ДИИҲБ Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Президентимизга самимий қабул ҳамда Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилот билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Каетана де Зулуэта Ўзбекистондаги сайловлар мутлақо янги сиёсий муҳитда, сезиларли даражада такомиллаштирилган ҳуқуқий нормалар асосида ўтаётгани, шу сабабли ДИИҲБ сайлов жараёнларини катта қизиқиш билан кузатаётганини таъкидлади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан “Сўз ва иш бирлигини таъминлаш — бош мақсадимиз” сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## 1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга доир Баённомани (Москва, 1997 йил 28 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга доир Баённома (Москва, 1997 йил 28 март) қуйидаги шарт билан ратификация қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси 22.1-моддани бажариш бўйича мажбуриятларни фақат амалдаги миллий қонун ҳужжатлари доирасида ўз зиммасига олади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ—593

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 2019 йил 17 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Япония Бош вазири Синдзо Абэ, Парламентнинг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто, Парламентнинг Вакиллар палатаси спикери Тадамори Осима, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо билан музокаралар бўлиб ўтади. Томонлар Ўзбекистон — Япония муносабатлари, жумладан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишларини муҳокама қиладилар, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Япония Императори Нарухито томонидан қабул қилинади.

Ташриф дастуридан, шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаока, етакчи саноат ва молия тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўрин олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Япония компаниялари вакилларини Ўзбекистондаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ўзаро манфаатли шартлар асосида жалб қилиш масалаларини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Японияning энг муҳим иқтисодий марказларидан бири — Нагоя шаҳрига ташриф буюриб, шаҳарлар ва таълим муассасалари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш истиқболларини муҳокама қилиш учун Аичи префектураси губернатори Хидэаки Омура, шаҳар мэри Такаси Кавамура, Нагоя университети ректори Сейичи Мацуо билан учрашади.

Музокаралар натижаси бўйича Ўзбекистон билан Япония ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, божхона, туризм, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 2019 йил 17 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.*

### Ҳамкорлик

Мазкур ташрифнинг аҳамияти шундаки, у мамлакатларимиз ўртасида сўнгги йилларда изчил ривожланаётган муносабатларни янги босқичга кўтаради. Қолаверса, бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур мамлакатга давлат раҳбари сифатидаги биринчи ташрифи бўлади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги замонавий ҳамкорлик алоқалари 1992 йил 26 январь куни икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг ривож топа бошлади.

Ўтган 27 йил мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўзаро манфаатли ҳамда ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатларни изчил кенгайтириб келмоқда. 2002 йил июль ойида имзоланган Қўшма баёнот бу алоқаларни стратегик шериклик даражасига кўтарди.

Ўзаро муносабатларимизда сермазмунлик касб этаётган йўналишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, бугунги кунда “Олий Мажлис — Япония парламенти” депутатлар гуруҳи ҳамда Японияning Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаолият юритмоқда. “Ўзбекистон — Япония” парламентлараро форуми тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Япония Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик руҳини олган. Хусусан, 2019 йил июль ойида Тошкентда маслаҳатлашувларнинг 17-раунди ўтказилди. Бундан бир оз муддат аввалроқ, жорий йил май ойида Душанбе шаҳрида ташкил этилган Марказий Осиё ва Япония ташқи ишлар вазирларининг 7-йиғилиши доирасида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўзаро мулоқот қилди.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилади. Жумладан, мамлакатимиз Япониянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли тузилмаларига номзодини қўллаб-қувватлаб келмоқда, япониялик ҳамкорлар эса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусини Шартнома лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш жараёнига кўмак тақдим этиш орқали изчил қўллаб-қувватлаган.

Япония БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Кунчиқар юрт, шунингдек, иккинчи расмий ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлди.

2004 йил кунчиқар мамлакат ташаббуси билан ташкил этилган “Марказий Осиё+Япония” формати ушбу давлат ва минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ, инвестициялар, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм ҳамда таълим соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

➡ 4

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 24 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 10, 671-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**бир турдаги кредиторлар** – қарздорга нисбатан бир хил талабларга эга бўлган ва уларни қаноатлантиришда бир-бирига нисбатан имтиёзга эга бўлмаган кредиторлар гуруҳи»;

**(Давоми 3-бетда).**

# ИЗЛАНИШ, ЎРГАНИШ, ЯРАТИШ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги таҳлилий чиқиши Бош Қонунимиздан кўзланган мақсад ва амалий аҳамиятининг уч йил бурун бошланган тарихий босқичи — сифат жиҳатидан янгиланиш давримиз билан боғлиқликда тақдим этилганини илғамаслик мумкинмас. Чиндан ҳам, **“шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар”**ни белгилаб берувчи асосий ҳужжатимиз қоидалари давлат ва жамият турмушининг аниқ палласида кечаётган жараён билан уйғунлашмас экан, улардан мўлжалланган самарага эришиб бўлмайди. Хўш, ана шу самаранинг очқичи қаерда? Бизнингча, давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган мана бу фикрда: **“Оғир вақт ва синовни бошдан кечирмоқдамиз! Лекин улардан ўтишимиз керак! Ҳаммамиз изланиш ва ўрганишдамиз. Янги Ўзбекистонни қуряпмиз!”***

### Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

Кимга қандай, билмаймиз-ку, аммо бизга қолса, ҳозир кенг муҳокама қилинаётган миллий ғоя масаласининг ўзагига айнан шу фикр мағзини қўйган бўлардик: **изланиш, ўрганиш, яратиш**! Ўзбек жамиятининг XXI асрда кечаётган ҳозирги палласининг миллий ғояси айнан шу уч устунга таяниши шартлиги борасида иккиланмаймиз.

Агар чуқурроқ таҳлил қилинса, неча минг йиллик маданий тараққиёт йўлига эга ўзбек миллати ва давлатининг куч-қудрати ҳам аслида худди шу қоидадан яралмаганмиди?! Улуғ салтанатларимиз, буюк кашфиёт ва шахсларимиз айнан шу омиллар маҳсули эмасмиди?! Худди шундай!

Нималар сабаб бўлиб, сўнгги беш юз йил ичида илгариги анъанавий марраларни қўлдан бердик, қолоқликка юз тутдик, учга бўлиниб, мустамлакачиларга ем бўлдик, давлат мустақиллигимизни йўқотдик? Нега?

Миллат ва давлат сифатида изланишдан тўхтаганимиз, ўз устимизда ишламай қўйганимиз оқибатида шундай бўлди.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг Али Қушчи юртни тарк этди. Ўзи билан неча йиллик изланишлари ўлароқ тўплаган илмини, шунингдек, астрономия, математика, тиббиёт, кимё, тарих, адабиётга оид, ўз даврининг энг илғор билимлари жамланган нодир илмий асарларни олиб кетди. Рум ҳукмдори, усмоний султон Муҳаммад II нима қилиб бўлса-да, буюк ўзбек математиги ва астрономини ўз саройига олиб келишга эришди. Шу тариқа Истанбулда аниқ ва табиий фанлар мактаби яратилди. Усмонийлар салтанатининг кучига куч, қудратига қудрат қўшилди. Қайсидир маънода “муҳташам юз йил” пойдевори қўйилди.

Мазкур жараёндан усмонийлар пойтахтида Шарқ илмий янгилик ва кашфиётларини излаб юрган европалик (Германия, Италия, Австрия, Нидерландия) элчилар, турли мутахассислар четда қолмаганларига тарих гувоҳ. Турли йўллар билан Мирзо Улуғбек “Зиж”и ва бошқа илғор илмий асарларни қўлга киритиб, мамлакатларига ташиб кетганлари, улардаги янги ғоя ва ёндашувлардан ижодий фойдаланганлари ҳам яхши маълум.

➡ 4

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик бузилгани туфайли дунёнинг турли жойларида ҳар хил табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби ҳодисалар рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам “акс таъсир”га дуч келмоқда ва эндиликда одамзоднинг соғлом табиий муҳитда яшаши ҳам сўроқ остида қоляпти. Мана шундай салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири — Орол фожиаси.**

## ОРОЛ МУАММОСИ — ОЛАМ МУАММОСИ



**Даметкен БЕКБАЕВА,**
**6-Чимбой сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**

— Яқин ўтмишда жаҳондаги энг катта кўлларнинг тўртинчиси бўлган Орол денгизининг қуриши дунёдаги энг йирик экологик фожиалардан бири бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлат учун қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий, тиббий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди. Балиқчилик тараққий этган денгиз ўрнида майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган қум-туз чўли, янги “Оролқум” саҳроси пайдо бўлди. Қуриган денгиз тубидан кўтариладиган қум ва туз бўронлари борган сари авж олмоқда. Ҳудуддан ҳар йили бир неча минг километр масофагача 100 миллион тоннадан ортиқ қум ва туз зарралари тарқаляпти.

Орол фожиаси минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштириб, ёз даврида қуруқлик ва жазирамани кучайтирди, совуқ ва қақшатқич қишни узайтириб юборди. Мутахассислар фикрича, 2035 — 2050 йилларга келиб минтақадаги ҳаво даражаси ҳозирги кўрсаткичга нисбатан 1,5 — 3 даражага ўсиши мумкин.

Бу муаммонинг биосфера, аҳоли турмуш шароити ҳамда генофондига таъсир қамрови глобал тус олмоқда. Ҳудудда дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун бир неча миллиард доллар сарфланган бўлса-да, улар кутилган самарани бермади. Камига қарийб ярим аср мобайнида жаҳон ҳамжамияти Орол фожиаси ва у келтириб чиқарган экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг гувоҳи бўлиб келаётир.

Эътироф этиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол муаммосига қарата олди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қилинаётган чора-тадбирлар бу муаммога бўлган амалий ёндашувнинг дебочаси бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Энг муҳими, сўз ва иш бирлигининг яққол исботи сифатида кўрсатилган ушбу ташаббус ва билдирилган таклифлар асосида бугун Оролбўйи ҳудудида ўрмонлар барпо этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Зеро, эндиликда фақат амалий ишлар ва инновацион ёндашувларгина ҳудуддаги муаммоларни енгиллата олади.

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УТИЛИЗАЦИЯСИ ЙИҒИМИ ФУҚАРОЛАРГА ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТМИ?

**Алижон ЖАЛИЛОВ,**
**38-Навоий сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**



— Сўнгги йилларда транспорт воситалари сони ошиши, ўз навбатида, юртимиз иқтисоди ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишидан ҳам далолатдир. Аммо бу масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап шундаки, йиллар ўтиши билан эскирган транспорт воситаларининг тақдири, тўғрироғи, фойдаланишдан чиққандан кейин уларнинг табиат ва инсон саломатлигига таъсири қандай бўлиши масаласи барчани бирдек қизиқтирса ажаб эмас.

Бугунги кунда республикамизда 3 миллионга яқин транспорт воситалари мавжуд бўлса, шундан қарийб 1 фоизи истеъмолга яроқсиздир. Ўз ўрнида, истеъмолга яроқсиз транспорт воситаларини қайта ишлаш тизими юртимизда жорий этилмагани сабабли бу атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, бугунги кунда мамлакатимизда ишлатилган автомобиль аккумуляторларининг тартибга солинмаган бозори мавжуд. Шу билан бирга, йиғилган аккумуляторлар қўлбола усулда қайта ишланади ва бу жараёнда кўп ҳолларда табиатни ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш талабларига амал қилинмайди.

Аккумуляторда тирик организмларда тўпланувчи, шунингдек, инсон организмига зарар етказувчи турли металлар — симоб, никель, кадмий, қўрғошин, литий, марганец, рух каби моддалар мавжуд.

Шунингдек, ишлатиб бўлинган транспорт мойларини ёқиш орқали иссиқлик энергияси олишни аксарият фуқароларимиз билади. Аммо унинг инсон саломатлиги ва табиатга салбий таъсири ҳақида унчалик билишмайди.

Ишлатиб бўлинган мотор мойи ҳам хавфли саноат чиқиндиси бўлиб, ўз хусусиятларини йўқотганидан сўнг, бундай мойларни йиғиш ва утилизация қилиш керак.

Мисол учун, 1 тонна ишлатиб бўлинган мотор мойи ёқилганда азот ва олтингугурт оксиди, водород хлорид, полиароматик углеводород, хлоробензол ва оғир металларни ўз ичига олган тахминан 7 минг метр куб тутун газлари ҳосил бўлади. Буғлар нейропаралитик таъсирга эга, юрак-қон томир, тери ва онкологик касалликларни келтириб чиқаради, кўришнинг қисман ёки тўлиқ йўқолишига олиб келади, иммунитетни заифлаштиради, инсон организмига генетик даражада таъсир қилади ва ҳоказо.

Жорий йилда партиямиз ташаббуси билан ташкил этилган айни шу мавзуга бағишланган тадбирларда соҳа олимлари, мутахассислар ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан эксплуатация муддати тугаган транспорт воситаларининг зарарли таъсиридан инсон ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида ҳар бир ишлаб чиқарилаётган транспорт воситасидан утилизация учун йиғим ундириш тизимини жорий қилиш таклифи илгари сурилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қуйи палатага киритилган ва жорий йилнинг 6 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан автомобиллар тўлиқ қайта ишланишини таъминлаш (рециклинг) мақсадида, жумладан, утилизация йиғимидан тушган маблағлар ҳисобига транспорт воситаларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш, ушбу тадбирларни молиялаштириш бўйича муаммоли масалаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасида утилизация йиғимини мамлакатимиз ҳудудига транспорт воситаларини импорт қилувчилардан ҳамда ўзимиздаги транспорт воситалари ишлаб чиқарувчиларидан ундирилишини белгилаш масалалари акс этган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан жорий қилинаётган утилизация йиғими маҳсулот нархига таъсир кўрсатмайди.

Айни пайтда мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Таъкидлаш лозим, уни биринчи ўқишда қабул қилиш жараёнида депутатлар томонидан кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиб борилмоқда. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида хорижий тажриба ҳам мукаммал ўрганилмоқда. Ҳаволаки нормалардан воз кечилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар билан тўлдирилмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган бу ўзгартиришлар партиямиз сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, бундай тизимни амалиётга жорий қилиш билан экологик хавфсизликни таъминлаш учун шароит яратиш, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳисобига юзага келувчи салбий таъсирдан ҳимоя қилиш, ички бозорни самарасиз ва эски транспорт воситаларидан ҳимоялаш, уларни утилизация қилиш механизмини янада такомиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш, инвестиция ва юқори технологияни жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва утилизациялаш билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш, утилизация йиғимидан келиб тушган маблағларни шу фаолият билан шуғулланадиган корхоналар фаолиятига йўналтиришга хизмат қилади.

## ҲАММАМИЗ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТАМИЗ

**Камол ЖУМАНИЁЗОВ,**
**123-Шовот сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**



— Оролбўйидаги бу вазиятни юмшатиш юзасидан 6 таклифни илгари суряпмиз.

**Биринчидан**, чўлланишнинг олдини олиш учун саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо қилиш лозим. Бу, ўз ўрнида, иккита муҳим масалани ҳал этиш имконини беради. Қум кўчишининг олди олинади. Агар саксовуллар 3 қатор қилиб экилса, қум кўчиши 30 фоиз пасаяди, 7 қатор қилиб экилганда эса бу кўрсаткич 90 фоизгача пасаяди. Ҳудудда ўзига хос экотизим пайдо бўлиб, иқлим ўзгариши юмшайди.

**Иккинчидан,** чўл зонада озуқабоп ҳисобланган чогон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликларни кўпайтириш лозим. Бу ишларни амалга ошириш орқали чорвачиликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратишга эришиш мумкин. Бу, ўз ўрнида, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга олиб келади.

**Учинчидан,** иқлим ўзгариши шароитида экологик ҳолатни юмшатишда, қолаверса, ҳудуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолишда тўқайзорлар муҳим ўрин тутади. Афсуски, ҳудуддаги тўқайзорларнинг 90 фоизидан ортиғи батамом йўқ бўлиб кетган. Сув ҳавзаларида тўқайзорларни тиклаш юзага келган муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлидир.

**Тўртинчидан,** сув ресурслари истеъмолининг 70 фоизидан зиёди қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини инобатга олиб, аграр секторда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш талаб этилади. XXI асрнинг ўрталарига бориб Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурси 15 фоиз қисқариши баробарида, минтақа аҳолиси сони 90 миллиондан ортиши кутилмоқдаки, бу қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини камайтиришни тақозо этади. Боз устига, сувдан оқилона фойдаланиш ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

**Бешинчидан,** Оролбўйи атрофида кичик (локал) кўллар барпо этиш ҳам муҳим масалалардандир. Бу, ўз навбатида, қум кўчишини пасайтиришга олиб келиши билан бир қаторда, балиқчиликни ривожлантириш имконини беради. Кичик сув ҳавзалари ҳудудда иқлим мўътадиллигини сақлайди.

**Олтинчидан,** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб, камсонли ва йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ҳамда уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис бу ерда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил қилиш, экотизим ҳолати бўйича доимий мониторингни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, замонавий экологик индикаторларни ишлаб чиқиш зарур.

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги қарори билан тасдиқланган Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси”да белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳам мазкур жабҳада муҳим қадам ҳисобланади.

Бу борада жамоатчиликнинг ташаббуси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тан олиш керак, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги соҳасидаги вазифалар кўлами ва миқёси, экологик ҳолатни соғломлаштириш, жумладан, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда нафақат жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги зарур, балки мамлакат миқёсида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, умуман, аҳолининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш айни муддаодир.

Биз бу борада “Орол муаммосини биргаликда бартараф этамиз” ғояси остида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ва амалий акциялар ўтказишни режа қилганмиз. Оролбўйига экиш учун мўлжалланган саксовул, юлғун каби ўсимликлар уруғларини йиғиш акциясини ўтказиш, уларда фаол иштирок этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, АҚШнинг “Aral Region Charity” фонди билан ҳамкорликда Оролбўйи экологик ҳолатини ўрганиш, экологик вазиятни яхшилаш лойиҳаси доирасида ҳудудда экологик ҳашарлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Партиямиз иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигига йўналтирилган тизимли ўзгаришлар жараёнида жамиятнинг барча кучини бирлаштириш тарафдоридир.

## ЯШИЛ ҚАЛҚОН МУҲОФАЗАСИ

**Наврузбек ЮСУПОВ,**
**18-Избоскан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**

— Мамлакатимиздаги давлат ўрмон фонди ерларининг умумий майдони 11,44 млн. гектардан зиёдни ёки республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Республика ҳудудида 4600 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 3000 дан зиёди табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ҳисобланади. Уларнинг 324 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган. Юртимизда ҳайвонот дунёси объектлари 16000 турдан ортиқни ташкил этиб, шундан 184 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган.

2018 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўрмон тўғрисида”ги Қонун нормалари бевосита ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солади.

Мазкур Қонуннинг тегишли нормаларида фуқаролар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этиши, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесишга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг маиший ҳамда бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити йўқ қилинишига ва урчиш жойлари бузилишига йўл қўймаслиги ҳамда ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажариши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш, пичан ўриш, чорва молларини ўтлатиш, ўрмонлардан илмий тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш бўйича нормалар белгиланган.

Хусусан, бинолар, иншоот ва коммуникацияларни қуриш чоғида давлат ўрмон фонди участкаларидаги дарахтзор ва бутазорларни, ишлаб чиқариш-техник заруратдан келиб чиқмаган ҳолда, кесиш ҳамда давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ўрмонлари, табиат боғлари, давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналаридаги ўрмонларни кесиш тақиқланган.

Дарахтзор ва бутазорларни кесишга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўрмон кесиш (ўрмон) чипталари асосида ва фақат ўрмонларни, албатта, қайта тиклаш шарти билан йўл қўйилади.

Шунингдек, ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш ва ўрмондан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш ҳамда портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш, пармалаш ишлари ва бошқа ишлар давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда



амалга оширилади ва ушбу ишларни бажарувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар ўрмонларни қайта тиклаш, ўрмон фондининг ҳолати бузилган ерларини рекультивация қилиш бўйича чоралар кўришлари шартлиги белгиланган.

Партиямизнинг сайловолди дастурида ҳам яшил қалқонимиз бўлган ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш борасида қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ механизмлар таклиф этилган. Шаҳарлар атрофида “яшил қалқонлар”ни барпо этиш ва дарахтлар кесилишига қарши эълон қилинган мораторий ижросини назорат қилиш ва унинг муддатини узайтириш, барча аҳоли пунктларида 5 ёшдан ошган дарахтларни инвентаризация қилиш, 2025 йилга бориб юртимиздаги ўрмонлар майдонини 7,6 фоиздан 15 фоизгача кенгайтириш, яшил оламни муҳофаза қилиш устидан назоратни, айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш шулар жумласидандир.

## ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**80-Қизириқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**



— Давлат ва миллат нафақат табиий бойликлари, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти билан, балки ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан ҳам қудратли ҳисобланади. Шу боис халқимиз она Ватанни асраб-авайлаш, унга эҳтиром кўрсатиш муқаддас бурч эканлигини чуқур ҳис этиб келган. Шундан бўлса керак, мўътабар Она сўзини табиатга нисбатан қўллаб, “Она табиат”, деймиз. Унга эҳтиром кўрсатамиз, эъзозлаймиз. Бу каби эзгу хислатлар азал-азалдан аждодларимиздан маънавий мерос бўлиб, қон-қонимизга сингиб кетган. Ҳатто жаҳон тарихида муносиб ўрин тутган буюк саркарда Амир Темур фаолиятида ҳам табиатга бўлган ўзгача эҳтиромни кўриш мумкин.

Масалан, Соҳибқирон бобомиз ҳар доим мамлакатда, аввало, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратган. Улкан шаҳарларни барпо этиш билан биргаликда, ён-атрофни кўкаламзорлаштириш, об-ҳаво мусаффолигини сақлаш мақсадида боғлар, сайилгоҳлар барпо эттирган.

Дарҳақиқат, миллий маънавиятимиз илдизига чуқур сингиб кетган ва асрлар оша унинг такомил босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиз қадриятида табиатга бўлган эҳтиром беқиёсдир. Юртимизда уни эъзозлаш анъанаси эса инсоният тарихи қадар қадимийдир. Умуман олганда, атроф-муҳитга муносабат Шарқ, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, атроф-муҳитга эътибор, умуман, экологик маданият, экологик таълим-тарбия ҳар бир даврда долзарб аҳамият касб этган.

Бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал соҳани қамраб олган кўп қиррали фан ҳисобланади. Экология инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни, таъсирни ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва истиқболини белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуидир. Экология фанига оид тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бироқ халқимиз экологик маданияти, бу борадаги миллий анъаналар чуқур ўрганилмай келмоқда. Шу боис миллий маънавиятимизнинг салоҳиятини акс эттирувчи ва ажралмас қисми бўлмиш табиатни ва унинг саховатини қадрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқимиздаги миллий маданият, билимлар, анъаналар, тажриба ва меросни бир тизимга келтириб, таҳлил қилиб, улардан экологик муаммоларни ҳал этишда фойдаланишимиз зарур.

Хўш, шундай экан, аҳолида экологик маданиятни ошириш, бу борадаги таълим-тарбияни ривожлантириш учун нима қилмоқ керак? Келажак учун жавобгарлик ҳиссини нечоғли англаяпмиз? Ўзбекистон Экологик партияси бу борада қандай ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилган?

Айтиш жоизки, экологик таълимни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда, биз, аввало, шуларни бартараф қилиш тарафдоримиз.

**Улар қуйидагилардир:**

- таълим муассасаларида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган экология ўқуви мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмаяпти;
- республикамиздаги таълим тизимида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунан экологик билимлар билан зарур даражада бойитилмаган, ҳозиргача экологик таълим-тарбия йўналишида илғор миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, улар асосида таълим олувчиларда маданиятни шакллантиришнинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаган;
- таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий муҳитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаган, мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим мактаблари таълим дастурларидаги атроф-муҳитга оид мавзулар бугунги кун талабларига жавоб бермайди;
- экологик таълим-тарбияга оид электрон услубий воситаларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилмаган, бу борада давлат органлари билан амалий ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган;
- таълим соҳасидаги ўқитувчи-мураббийларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминловчи ўқув материаллари, жумладан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қўлланмалар, ўқувчи ва талабалар учун зарур бўлган дарсликлар етарли эмас;
- бу соҳадаги таълим дастурлари тўлиқ қайта кўриб чиқилиши зарур.

Бу мақсадларга экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, кўрик танловлар ўтказишни ташкил этиш, таълим дастурларини экологик масалалар ва замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш, соҳа таълимининг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари ҳамда таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш орқали эришилади.

Шулардан келиб чиқиб, партиямизнинг сайловолди дастурида ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш ҳамда ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот институтини таъсис этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**учинчи** – **ўн тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** – **йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**ўн учинчи**, **ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**суд санацияси** – қарздор юридик шахсга нисбатан молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ва унинг кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда иқтисодий суд томонидан қўлланиладиган тўлов қобилиятини тиклаш таомили;

**ташқи бошқарув** – қарздор юридик шахсга нисбатан уни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда иқтисодий суд томонидан қўлланиладиган тўлов қобилиятини тиклаш таомили;

**тугатишга доир иш юритиш** – кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қаноатлантириш, қарздорнинг мажбуриятлардан озод этилганлигини ҳамда тугатилганлигини эълон қилиш мақсадида иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланиладиган таомил»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**тўлов қобилиятини тиклаш таомили** – иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланиладиган, суд санациясини ёки ташқи бошқарувни ўз ичига оладиган ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган ташкилий-хўжалик ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи таомил»;

**ўн олтинчи** – **йигирманчи хатбошилари** тегишинча **ўн еттинчи** – **йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги:

агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, қарздор шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса – олти ой ичида бажарилмаган бўлса;

агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч юз бараварини ташкил этса, қарздор шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг бараварини ташкил этса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса базавий ҳисоблаш миқдорининг камида йигирма бараварини ташкил этса, қарздорнинг банкротлик аломатлари ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар банкротлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилаётганда қўлланилмайди»;

3) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги иш ушбу Қонун 4-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

4) **6-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор ва прокурор эга.

Қарздор ва кредитор банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризада қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга ёхуд тугатишга доир таомилларни қўллаш зарурлигини кўрсатиши мумкин.

Мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги муносабати билан қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва унинг ҳудудий органлари эга»;

5) **7-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда, қарздор банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздор юридик шахс қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарори ёхуд қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан вакил қилинган органнинг қарори асосида банкротлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилади»;

6) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«10-модда. Кредиторлар ва кредиторларнинг йиғилиши**

Банкротлик таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ тузиладиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади. Иқтисодий суд банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қаноатлантириш мақсадида якка тартибда мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ҳамма кредиторлар номидан қарздорга нисбатан барча ҳаракатлар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилишида қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этган ҳолларда кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатларига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, қўмитанинг миқдорий таркибини белгилаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясининг режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилиши, башарти унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Кворум мавжуд бўлмаган тақдирда, ўн кунлик муддат ичида кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, башарти йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, такрорий йиғилиш ҳозир бўлган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Бир турдаги кредиторлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

биринчи гуруҳ – қарздорнинг гаров билан таъминланган мажбуриятлари бўйича кредиторлар;

иккинчи гуруҳ – қарздорга нисбатан гаров билан таъминланмаган шартномалардан, маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек мажбурий суғурта ва банк кредитларини суғурталаш шартномаларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича кредиторлар;

учинчи гуруҳ – мажбурий тўловлар бўйича кредиторлар;

тўртинчи гуруҳ – меҳнат шартномаларига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ва компенсациялар тўлаш бўйича, алиментлар ундириш тўғрисидаги талабларни қаноатлантириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлардан ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган талаблар, шунингдек фуқароларнинг жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида ўз мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари бўйича кредиторлар;

бешинчи гуруҳ – ҳисобланган дивидендлар бўйича қарздорнинг акциялари эгалари.

Кредиторлар йиғилишида ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган масалаларни кўриб чиқишда биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ кредиторлари овоз бериш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар йиғилишида ушбу модда бешинчи қисмининг тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган масалаларни кўриб чиқишда биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ кредиторлари овоз бериш ҳуқуқига эга.

Кредитор ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган суд қарори, кредиторлар йиғилишининг қарори, суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек банкротлик таомилини амалга ошириш чоғида суд бошқарувчиси унинг талабларини қаноатлантиришни рад этганлиги устидан шикоят беришга ҳақли.

Агар кредитор қарздорга тааллуқли тан олинган талабларни сақловчи бўлса, кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Кредиторлар йиғилишида баённома юритилади.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри;

кредиторлар вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредиторлар йиғилиши иштирокчиларининг рўйхатга олиш варақлари;

кредиторлар йиғилиши иштирокчиларига танишиб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар;

кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида кредиторлар ҳамда ваколатли органлар тегишли тарзда хабардор этилганлигининг далиллари;

овоз бериш бюллетенлари;

суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан бошқа ҳужжатлар.

Кредиторлар йиғилишининг баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан икки кундан кечиктирмай иқтисодий судга топширилиши лозим»;

7) **13-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овозга қўйилган масалалар бўйича кредиторлар йиғилишининг қарори йиғилишда ҳозир бўлган овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир кредитор кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорларни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилади:

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ёки уни муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш ҳақидаги қарор.

Агар кредиторларнинг йиғилишида ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул қилиш учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторларнинг зарур кворуми бўлмаса, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, башарти кредиторларнинг йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, ушбу такрорий йиғилиш бундай қарорларни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан иқтисодий судга шикоят беришга ҳақли.

Суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ёки уни муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарор, агар буни ёқлаб биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар биридаги кредиторларнинг кўпчилиги қарши овоз берган тақдирда, шунингдек овоз бериш чоғида гуруҳлардан биридаги кредиторларнинг зарур овозлари сони тўпланмаган тақдирда, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир гуруҳ кредиторлари овоз беришда иштирок этиш учун тенг ҳуқуққа эга»;

8) **15-модданинг саккизинчи қисмидаги** «маслаҳат овози ҳуқуқи билан» деган сўзлар «овоз бериш ҳуқуқисиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **28-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилади»;

10) **49-моддадаги** «икки ойлик» деган сўзлар «бир ойлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **57-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Корхонанинг раҳбарига ёки муассисларига (иштирокчиларига) ёхуд мулкдорига нисбатан корхонани банкротликка олиб келган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жиноят иши қўзғатилган тақдирда банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш жиноят ишлари бўйича суд томонидан қўзғатилган жиноят иши бўйича қарор қабул қилингунига қадар тўхтатиб турилади»;

12) **65-модданинг биринчи қисми** ва **бешинчи қисмининг иккинчи жумласи** «банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи» деган сўзлардан кейин «ёхуд суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **67-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредиторнинг талабига кўра қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши»;

**бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

14) **78-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ой муддатга жорий этилади»;

15) **79-модда**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Иқтисодий суднинг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрими қарздор банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар тузган шартномаларни бажаришни тўхтатиш ёки уларни бажаришни рад этиш учун асос бўла олмайди, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**олтинчи қисми еттинчи қисм** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ариза берилишидан олдинги йигирма тўрт ой ичида тузилган шартномаларни бекор қилишни қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

шартномаларни бажариш қарздорга зарар етказса ва (ёки) қиёсий ҳолатларда тузиладиган худди шундай шартномаларга нисбатан қарздорнинг, кредиторларнинг, қарздор мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузса;

шартнома бир йилдан ортиқ муддатга тузилган ва қарздор учун фақат узоқ истиқболда ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса»;

16) **82-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредиторнинг талабига кўра қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши»;

**бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

17) **83-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд санацияси режасини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда овоз беришда биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторлари иштирок этади.

Кредиторлар йиғилишининг суд санацияси режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар биридаги кредиторларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади. Бунда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва суд санацияси режасини тасдиқлашга қарши овоз берган кредитор ёки кредиторлар қарздор тугатилган тақдирда камида олиши мумкин бўлган кафолатли товонга тенг товон олиш ҳуқуқига эга.

Агар биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар биридаги кредиторлар суд санацияси режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилмаса, шунингдек овоз бериш чоғида гуруҳлардан биридаги кредиторларнинг зарур овози тўпланмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади»;

**иккинчи** – **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** – **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

18) **84-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«84-модда. Санация режасига ва қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш**

Қарздор санация режасини ва (ёки) қарзни узиш жадвалини бажармаган тақдирда (қарз белгиланган муддатларда ва (ёки) белгиланган ҳажмларда узилмаганда), у қарзни узиш жадвалига киритиш мўлжалланаётган ўзгартиришларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан талабларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан икки ҳафта муддат ичида кредиторларга мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосноманинг кўчирма нусхаси санация қилувчи бошқарувчига юборилади. Санация қилувчи бошқарувчи илтимоснома олинган пайтдан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай шу илтимоснома асосида кредиторлар йиғилишини чақиради.

Кредиторлар йиғилишининг санация режасига ва (ёки) қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторлари томонидан, агар ҳар бир алоҳида гуруҳдаги кредиторларнинг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинади.

Қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалидаги ўзгартишларни тасдиқлаш ҳақидаги илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабар қилинмаган ва қарзни узиш жадвали иқтисодий суд томонидан тасдиқланганидан кейин ишга қўшилган кредиторнинг талаблари ёки мажбуриятларни бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар иқтисодий суднинг ажримига кўра қарзни узиш жадвалига киритилади.

Иқтисодий суд фақат кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талабларга нисбатан қарзни узиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли»;

19) **91-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида иқтисодий суд томонидан жорий этилади.

Иқтисодий суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим ва бу ажрим устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Ташқи бошқарув, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Ташқи бошқарув учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига кўра иқтисодий суд томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз ойдан ошмаслиги керак.

Агар суд санацияси жорий этилган санадан то иқтисодий суд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишигача ўн саккиз ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса, иқтисодий суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор чиқаради»;

20) **98-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредиторнинг талабига кўра қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши»;

21) **102-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суднинг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими қарздор банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар тузган шартномаларни бажаришни тўхтатиш ёки уларни бажаришни рад этиш учун асос бўла олмайди»;

**иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташқи бошқарувчи қарздор банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар тузган шартномаларни бажаришни фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда рад этишга ҳақли»;

22) **103-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин ёки банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилишидан олдинги йигирма тўрт ойи ичида қарздор юридик шахс томонидан тузилган, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулкдаги улушини тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ бўлган битим ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан иқтисодий суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, шундай битим бўйича олинган барча мол-мулк (пул маблағлари) эса қарздорга қайтарилади. Бундай ҳолда иштирокчи ушбу Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ тўртинчи навбатдаги кредитор деб эътироф этилади»;

23) **106-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** – **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида овоз беришда биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторлари иштирок этади.

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, агар уни биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар биридаги кредиторларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Бунда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва ташқи бошқарув режасини тасдиқлашга қарши овоз берган кредитор ёки кредиторлар қарздор тугатилган тақдирда камида олиши мумкин бўлган кафолатли товонга тенг товон олиш ҳуқуқига эга.

Агар биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар биридаги кредиторлар ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилмаса, шунингдек овоз бериш чоғида гуруҳлардан биридаги кредиторларнинг зарур миқдордаги овозлари тўпланмаса, иқтисодий судга қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш тўғрисида иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторлари томонидан, агар ҳар бир алоҳида гуруҳнинг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинади»;

**иккинчи** – **бешинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** – **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

24) **124-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати тўққиз ойдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки иқтисодий суднинг ташаббуси билан бу муддат кўпи билан уч ойга узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

иқтисодий суд ишини юритишда қарздор юридик шахснинг ёки унинг кредиторларининг мулкий манфаатига дахл қилувчи ишнинг мавжудлиги;

қарздор юридик шахснинг реализация қилинмаган мол-мулки мавжудлиги, бундан ушбу Қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш, қарздорнинг мансабдор шахслари томонидан қарздор юридик шахснинг ва унинг кредиторларининг манфаатларига қарши бошқа ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятлар содир этилганлиги аломатлари бўйича жиноят ишининг мавжудлиги;

тугатиш бошқарувчисининг тугатиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисидаги иқтисодий суднинг ажримида кўрсатилган қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш зарур бўлганда;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш зарур бўлганда.

Иқтисодий суднинг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Иқтисодий суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида қарздор юридик шахс фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кредиторлар йиғилишининг ва (ёки) тегишли давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг илтимосномасига кўра тугатишга доир иш юритиш қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан амалга оширилишини кўрсатиши мумкин. Бунда қарздор юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар тузилган ва фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган шартномаларини бажаришни тўхтатишга ёки уларни бажаришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор томонидан алоҳида кредитор ёки бошқа шахс билан тузилган битим, агар бундай битим бир кредиторнинг бошқа кредитор олдидаги пул мажбуриятлари бўйича талабларини афзалроқ тарзда қаноатлантиришга олиб келса, тугатиш бошқарувчисининг ёки кредиторнинг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздор юридик шахснинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш таомили, агар икки ҳисобот чораги якунларига кўра фаолиятдан кетма-кет зарар кўрилган бўлса, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб топилади.

Қарздор юридик шахснинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, иқтисодий суд қарздор юридик шахснинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритишни амалга оширишни бекор қилиши ва тугатишга доир иш юритишнинг умумий таомилига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин»;

25) **128-модданинг**:

**иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ бўлган жорий харажатларни молиялаштириш учун кредиторлар йиғилиши билан келишувга мувофиқ кредитлар олиш»;

**бешинчи** ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредиторнинг талабига кўра қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши»;

**саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

26) **156-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги иш ушбу Қонун 4-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ—594

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1

Икки томонлама шартномалар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз ҳамкорлик йиллари бундай мазмундаги 160 дан ортиқ ҳужжатларни имзолаган.

Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистон — Япония муносабатларида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзаро савдо алоқаларига энг қулай тартиб жорий қилинган. Мамлакатлар ўз экспорт салоҳиятидан машинасозлик, металлургия, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фойдаланмоқда. 2019 йил январь — октябрь ойларида ўзаро савдо айланмаси қарийб 360 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Япония сармоялари иштирокида 10 та қўшма корхона ва юз фоиз хориж капитали асосида ташкил этилган битта корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда 15 та япон компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. Улар нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, энергетика жиҳозлари ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт-логистика хизматини кўрсатиш, савдо операциялари ва туризм соҳаларига ихтисослаштирилган.

Ўзбекистонда "Marubeni", "Mitsubishi Motors", "Japan Oil, Gas and Metals National Corporation (JOGMEC)", "Toyota Tsusho", "Itochu", "Isuzu Motors Ltd." ва бошқа машҳур япон компаниялари фаолият юритмоқда.

Юқорида келтирилган рақамлар ўзаро инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун мамлакатларда ҳали фойдаланилмаган саноат ва иқтисодий салоҳият мавжудлигини кўрсатади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик. Зеро, Японияниң маданий ҳамда маърифий ўзига хослиги Ўзбекистоннинг тарихий ва замонавий ҳаёти билан ҳамоҳангдир.

Маданиятлараро мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришда 1999 йил таъсис этилган "Ўзбекистон — Япония" дўстлик жамиятининг салмоқли ўрни бор. Жамият кунчиқар юртнинг "Япония — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси ва "Фукушима — Ўзбекистон" маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан яқин алоқалар ўрнатган.

Шунингдек, икки мамлакат шаҳарларини безаб турган қатор маданий иншоотлар халқларимизнинг дўстлиги ва ўзаро англашувининг рамзларига айланган.

2001 йил Тошкент марказида очилган "Япон боғи" ўзбекистонликларнинг ҳордиқ чиқарадиган ва турли тантанали тадбирлар ўтказадиган севимли масканига айланган.

Таниқли япон рассоми Икуо Хираяма билан ҳамкорликда пойтахтимизда 2002 йил асос солинган Ўзбекистон — Япония илмий-ижодий "Маданият карвон саройи" замонавий маданият маркази сифатида фаолият юритмоқда. Бу масканда фото ва санъат кўргазмалари ҳамда бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкентда ўрнатилган "Хиросима тинчлик тоши" ва "Тинчлик бонги" Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролини тарқатмаслик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга содиқлигининг тимсолларига айланган.

Японияда ҳам халқимизнинг қадимий тарихи ва маданиятига қизиқиш катта — ушбу мамлакатда буюк шоир ҳамда мутафаккир Алишер Навоий асарларини мутолаа қилишади ва севишади. 2004 йил Сока университетида ўзбек адабиётининг мумтоз вакили ҳайкали қад ростлади.

2019 йил машҳур япон меъмори, Притцкер мукофоти лауреати Тадао Андо томонидан Ўзбекистон давлат санъат музейининг янгиланган дизайни концепциясини яратиши эълон қилинди.

Жорий йил июнь ойида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси Нагоя шаҳри мэрияси ва "Ўзбекистон — Нагоя" дўстлик ассоциацияси билан ҳамкорликда "Нагоя Тошкент билан учрашади" номли тадбир ташкил қилди. Анжуман доирасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва туристик салоҳиятига бағишланган семинар, халқимизнинг тарихий ва маданий мероси тақдимоти ҳамда Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бугун ўзбекистонлик кўплаб ёшлар Японияда Таълим олишга интилмоқда. Япон тилини мамлакатимиз йигит-қизлари қизиқиб ўрганмоқда. Республикадаги олтита олий ўқув юрти таълим дастурларига япон тилини ўрганиш киритилган. Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (JICA) минтақавий ваколатхонаси кўмагида қатор университетларда мазкур тилни ўрганиш марказлари очилган.

Япония Таълим, маданият, спорт, илм-фан ва технологиялар вазирлиги кунчиқар юртнинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей ҳамда коллеж битирувчиларига Япония университетлари ва коллежларида таҳсил олиш учун йиллик стипендиялар тақдим этмоқда. Сўнгги 20 йилда 4 мингдан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар Японияда таҳсил олди.

Олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик жадал суръатда ривожланмоқда. Нагоя университети ваколатхонаси Япония ҳукумати номидан таълим ва академик тадқиқотлар соҳасида илмий-техникавий кўмак бериб келмоқда.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошида Цукуба, Нагоя, Кейо, Тойохаши университетлари ҳамда Токио технология институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази"ни ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур даргоҳ кимё ва нефть-кимё, тоғ-кончилик ва минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкорлиги, машинасозлик ва материалшунослик соҳаларига ихтисослаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи арафасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида икки мамлакатнинг таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларини янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган, Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония тадқиқотлари таҳлил марказининг очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон — Япония маданий-гуманитар ҳамкорлиги тўғрисида гапирганда, мамлакатимизда 1993 йилдан бери самарали ишлаб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги фаолиятига тўхталиш зарур. Мазкур ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли грантлар тақдим этиш, қолаверса, техник ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизга экспертлар жўнатиш ҳамда ўзбекистонлик мутахассислар учун Японияда муайян ўқув амалиётлари уюштириш каби йўналишда кўмаклашиб келмоқда.

Япония илмий доиралари вакиллари мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, мамлакатимиз тарихини ўрганишда япон археологи, "Дўстлик" ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като ҳам улкан ҳисса қўшган буюк дарғалардан бири эди. Ўзбекистон тўғрисидаги кўплаб илмий ишлар муаллифи бўлган япон профессори мамлакатимизнинг яқин дўсти бўлиб, ўзбек халқини жуда севар эди. У ушбу заминни ўзининг иккинчи Ватани, деб атарди.

Япон олими 25 йилдан зиёд вақт мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб, турли лойиҳаларда қатнашди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида (Далварзинтепа, Қоратепа, Холчаён, Фаёзтепа) кўплаб археологик қазишмалар олиб борди. Унинг тадқиқотлари натижалари Ўзбекистон тарихи бўйича дарсликларда ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи кунлари Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 43-мактабга япон археологи номи берилиши кутилмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги чуқур тарихий ва маданий алоқалар, замонавий муносабатларнинг эришилган даражаси, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи ва унинг якунлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади ва самимий дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

**Жаҳонгир АЗИМОВ,**
**«Дунё» АА.**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИЧА САЙЛОВЛАР

*Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХҲТ ДИИҲБ) расмий веб-сайтида тузилма миссиясининг Ўзбекистонда ўтаётган парламент сайловларини кузатиш бўйича 25 ноябрь — 10 декабрь муддатдаги дастлабки оралиқ ҳисоботи эълон қилинди.*

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланган 2016 йилдан кейинги даврда мамлакатимизда илк бор парламент сайлови бўлиб ўтмоқда. «Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар» шиори остида ўтаётган бу сиёсий жараён юксак марраларга эришишга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш даврига тўғри келди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳисобот ЕХҲТ ДИИҲБ тарихида 1999 йилдан буён Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш билан боғлиқ барча ҳисоботлардан кескин фарқ қилади. Унда, жумладан, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва сайлов тажрибасини такомиллаштириш соҳасида сезиларли ўсишга эришилгани эътироф этилган, ҳукуматнинг жамоат ва давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш йўлидаги аниқ саъй-ҳаракатлар қайд этилган.

Ҳисоботда мамлакатни ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари, жумладан, демократик ўзгаришлар даврида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, қонун устуворлиги, судлар мустақиллиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш чоралари кўрилаётгани келтирилган.

ЕХҲТ миссияси ўз ҳисоботида бўлажак сайловлар сезиларли даражада янгиланган ҳуқуқий тизим доирасида ўтказилишини таъкидлайди. Сайлов қонунчилигида жорий этилган янгиликлар ЕХҲТ ДИИҲБ томонидан олдиндан тавсия этилган бир неча марта овоз беришни истисно этувчи сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати татбиқ этилиши, Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат депутатлик ўринлари учун квоталар бекор қилиниши, сайловчиларга биттадан ортиқ сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишини қўллаб-қувватлаш учун имзо қўйиш ҳуқуқининг берилиши, сайлов округларидаги сайловчилар сонининг энг юқори фарқи 10 фоиз даражасида белгиланиши, ижтимоий хавф туғдирмайдиган, оғир бўлмаган жиноятни учун жазони ўтаётган шахсларга сайловда овоз бериш ҳуқуқи берилиши каби тавсияларига мос келадиган сайлов қонунчилигига оид янгиликлар ижобий баҳоланди.

Марказий сайлов комиссиясининг иши ижобий кўринишда тақдим этилган. Таъкидланишича, Комиссия аъзоларининг сони 16 нафардан 21 нафаргача, таркибидаги аёллар сони 3 нафардан 7 нафаргача кўпайди. Сайловларни ўтказиш тартиби ва муддатларига қатъий риоя қилинаётгани билдирилган. Марказий сайлов комиссияси расмий сайти доимий равишда янгиланиб турадиган маълумотларга бой эканига эътибор қаратилган.

Ҳисоботда Марказий сайлов комиссияси томонидан, жумладан, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, сайловчиларни кенг хабардор қилиб бориш, сайлов комиссияси аъзоларини ўқитиш, илк бор «Saylov — 2019» мобиль иловасини ишга тушириб, амалиётга татбиқ қилиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун шароитлар яратиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар оиб борилгани ҳақида маълумот берилган.

ДИИҲБ ҳисоботида, шунингдек, аввалги йилларда «ҳорғин» ва «деярли сезилмайдиган» дея баҳоланган, сайловчилар учун ҳақиқий танлов имконини бермаган сайловолди ташвиқоти моҳияти 1999 йилдан бери биринчи маротаба кескин танқид қилинмади.

ДИИҲБнинг тан олишича, Халқаро матбуот маркази биринчи марта бешта сиёсий партия вакиллари ўртасида дебатларни ташкиллаштирмоқда, дастурлар жонли эфирда намойиш қилинмоқда. Таъкидланишича, сайловолди ташвиқотининг энг таъсирли шакли сифатида ижтимоий тармоқлар, хусусан, «Facebook» ва «Telegram»дан фойдаланиш ҳисобланади. «Мустақил шарҳларнинг муҳим манбаи саналган блогерларнинг фаоллиги»га урғу берилган.

Бундан ташқари, ЕХҲТ ДИИҲБ ҳисоботида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига биринчи марта сайловларни кузатиш ҳуқуқи берилгани, қуйи палатага вазирлар номзодларини тасдиқлаш ваколати берилиши орқали парламент ролининг кучайтирилгани, нодавлат нотижорат ташкилотларига қулай шароит яратилгани, депутатликка номзодлар орасида аёлларнинг улуши 41 фоизгача ва бошқа миллат вакилларининг улуши 8,4 фоизгача ошгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бор.

Шу билан бирга, миссия ҳисоботида турли уюшмаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини, фикр билдириш ҳуқуқини таъминлаш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлиги ҳақида тавсиялар мавжуд. Депутатликка мустақил номзодлар кўрсатиш институтини жорий этиш орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилади. Сиёсий партияларнинг жамоат жойларида партиялар ва уларнинг номзодлари тўғрисидаги реклама материалларини жойлаштириш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш, шунингдек, сайлов кампанияси кенг кўламда ташкил этилишини таъминлаш учун интернетдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикрлар билдирилган.

ЕХҲТ ДИИҲБ миссиясининг хулосасида таъкидланишича, журналистлар мунозаралар пайтида кўтарилган сиёсий масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий партиялар, улар номзодларининг сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва очиб бериш бўйича ишларни кучайтириши керак.

**ЎзА.**

# ИЗЛАНИШ, ЎРГАНИШ, ЯРАТИШ

1

Бизда-чи, бизда нима бўлди? Бизда аниқ ва табиий фанлар бўйича теран изланишлар аввалига сусайди, кўп ўтмай тўхтади. Шу йўсинда, ўзбек илм-фани ўлди. Ортидан давлатчилигимизга хос юксалишлар йўлидаги изланишлар сўниб борди, сиёсий бошбошдоқликлар кучайгандан-кучайди, юрт учун масъул сиёсий казо-казоларни етиштириш анъана ва тушунчалари ўзгача ёқларга бурилиб кетди. Абдураҳмон Жомий Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида Али Қушчининг табиий ва аниқ фанларга оид маърузаларини тинглаганига ўхшаш ва кундалик турмуш тарзига айланган серишора қоидалар чўпчакка айланди.

Шу маънода, Президентимиз **"Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади"** таъкидини шунчаки тилга олмаганига ишончимиз комил.

"Темур тузуклари"ни синчиклаб ўқиб, уққан киши мазкур шоҳасар ўзбекнинг забардаст ўғлони ва арбобининг давлат ҳамда жамият бошқарувини қонун негизида қуриш йўлидаги неча йиллик тажриба ва изланишларининг маҳсули эканини тушуниб етади. Қолаверса, инсоният ўтмишида биронта ҳукмдор давлат ва жамият бошқарувига бағишланган ўз билимларини бир тизимга солиб қолдирган эмас. Ҳар ҳолда биз бундайини билмаймиз (лекин жаҳон аҳли ҳукмдор сиёсатда куч ишлатиши, зулм қилиши, виждонни эсдан чиқариши мумкинлигини оқлаган Макиавеллини мутафаккир, файласуф ва ёзувчи, деб билади, кези келганда, улуғлайди)...

Илм-фан, маданият, дин, сиёсат бобида дунё тан олган аждодларимиз ҳаёти ва меҳнат маҳсули, моҳият эътибори билан, изланишлар ўлароқ яралганини инкор этиб бўлмайди. Асрлар ўтса-да, ўз кўрки ва салобатини йўқотмай келаётган, ўзбекнинг ҳақиқий ғурур ва ифтихорига айланган тарихий обидаларимиз ҳам аслида боболаримизнинг изланишлари натижаси ўлароқ юзага келмаганми?! Демак, изланиш қобилияти бизнинг қонимизда бор. Изланишнинг изи, албатта, қолади.

Излаган топади, топдими, демак, ўрганди. 2016 йил кузида бошланган сифат жиҳатидан янгиланиш босқичимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз бир омилга узлуксиз урғу бериб келади. Қурилиш ё деҳқончиликми, таълим ё соғлиқни сақлашми, ишбилармонлик ё давлат бошқарувими, қайси соҳа вакиллари билан учрашмасин, бизга замонавий илм керак, дейишдан чарчамайди. Тантанали тадбирда ҳам ислоҳотлар тақдирини билим билан бежиз боғламадилар. Негаки, эскича дунёқараш ва ҳаминқадар билим билан замонавий сифат ўзгаришларига эришиб бўлмайди!

> Излаган топади, топдими, демак, ўрганди. 2016 йил кузида бошланган сифат жиҳатидан янгиланиш босқичимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз бир омилга узлуксиз урғу бериб келади. Қурилиш ё деҳқончиликми, таълим ё соғлиқни сақлашми, ишбилармонлик ё давлат бошқарувими, қайси соҳа вакиллари билан учрашмасин, бизга замонавий илм керак, дейишдан чарчамайди. Тантанали тадбирда ҳам ислоҳотлар тақдирини билим билан бежиз боғламадилар. Негаки, эскича дунёқараш ва ҳаминқадар билим билан замонавий сифат ўзгаришларига эришиб бўлмайди!

Тўғри, Бош Қонунимизда ҳар кимнинг таълим олиш ҳуқуқи муҳрлаб қўйилган. Аммо таълим сифатини кафолатлайдиган замонавий илм-фан асосларини яратиш борасида бош қотирмадик. Демак, ҳуқуқнинг борлиги ишнинг пишгани эмас экан. Ҳуқуқ унумга айланиши учун унинг амалдаги самараси муҳимроқ экан. Бу — вақт исботлаган ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари айнан шу сабабдан ҳам бошданоқ таълим тизимини тубдан ва сифат жиҳатидан ислоҳ қилишга қаттиқ бел боғлади. Яъни конституциявий ҳуқуқнинг ҳаётий ифодасини илғор йўсинда таъминлаш вазифасини қўйди. Натижалар қаймоғини эса сўз кетаётган йиғилишда кўрдик. Гап Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг чиқишлари ҳақида.

Бугун ёшларнинг аниқ, табиий ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишларида эришган ютуқларини кўрган ҳар қандай инсон қувонади, албатта. Бу уларга бўлган ғамхўрлик, яратилган шароитлар мевасидир. Демак, ўрганишга интилган фарзандларимизни уларнинг истеъдоди ва иқтидорига қараб парваришлаш муҳим экан. Президент мактабига кириш учун синовларда бир ўринга бир юз эллик беш даъвогар чиққани жамиятимизда интилиш, изланиш, ўрганиш муҳити тирилганининг тасдиғидир. Миллий етакчимизнинг **"бугун жамоатчилик том маънода уйғонди",** деган сўзларининг пойдеворини биз айнан шу омил билан боғлаган бўлардик. Ушбу пойдеворни елкасида тутиб турганлар, ҳеч шубҳасиз, ота-оналардир. Ўтган уч йилда эришилган энг катта ютуқларимиздан бири ҳам аслида шу.

Ота-онага нима керак? Фарзандининг камоли керак. Қайси ота-она ўғил-қизим ўқимасин-ўрганмасин, юксакликларни забт этмасин, ўзлигини намоён этмасин, етук инсон, бахтли-саодатли бўлмасин, дейди? Аммо жамиятда адолат бўлмаса, бўзчининг боласи бўзчи, ўқчиники ўқчи бўлиши олдиндан аён бўлса, ким нимага интилади, нимани ўрганади, нимага ишонади?!

Кураш, синов осон кечмаслигини олдиндан била туриб, бир ўрин учун бир юз эллик беш ота-она фарзандини етаклаб келгани, синовнинг ҳалоллигига бўлган қаттиқ ишончнинг туғилганидагина эмас, балки ундан-да муҳимроқ, биз учун сув ва ҳаводек зарур, келажак ютуқларимизнинг кафолати бўлмиш омилнинг миллий онгимизга сингиб бораётганидадир. У ҳам бўлса, ота-оналаримиз тимсолида миллатимиз курашчан бўлди, бўлмоқда. Миллатимиз ўз авлоди, ўзи учун курашишга ўрганмоқда, ўргатилмоқда. Демак, изланиш, ўрганиш инсон ва миллатни курашишга ўргатади. Курашчанлик дунёқарашига эга эканмиз, ҳар қандай оғирлик ва синовларни енгиб ўтишимиз муқаррар.

Шу билан бирга, бунинг учун бизга яна бир омилнинг кучи лозим бўлади. Давлатимиз раҳбари **Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу — ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ**лигини таъкидлаган ҳолда **"қарс икки қўлдан чиқади"** мақолини бежиз эслатиб ўтмади, албатта.

Ўзбек миллати ва давлати ўзининг узоқ тарихий тараққиёт йўлида ҳеч қачон сиёсий эркинлик муҳитида яшамаган. Бундай кўникма ҳеч кимда — давлат идораларида ҳам, фуқароларда ҳам ҳеч қачон бўлмаган. Ушбу биз учун бутунлай янги ижтимоий ҳодисага илк бор 2016 йил кузидан бошлаб дуч келдик. Бошқача айтганда, ялпи эркинлик шароитида қандай яшаш ва ишлаш кераклигини билмаганмиз ва энди ўрганмоқдамиз.

Моҳият эътибори билан айтганда, замонамиз қийинчилиги мавжуд муаммоларнинг кўлами ва тошидан кўра ўзбекнинг бирон авлодида сўнгги неча юз йиллар ичида катта синовлардан ўтиш қобилияти бўлмаганидадир. Яъни бугун демократия, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти шароитида яшаш ва ишлашга қодир замонавий авлод тарбияланмоқда, шаклланмоқда. Ушбу жараённинг ҳал қилувчи кучи эса эркинликдир. Эркинлик туғдирган муҳит қанчалик мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла, айрим пайтларда қуюшқондан чиқиб кетиш ҳолатлари мавжуд бўлишига қарамай, Президентимиз жамият эркинлигини қаттиқ, таъбир жоиз бўлса, кўз қорачиғидек қўриқлаётганининг бош сабаби ҳам шунда, деб биламиз. Зеро, айнан эркин инсонларгина демократия, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамиятини қура оладилар.

Шу билан бирга, эркинликнинг юки ниҳоятда оғирдир. Эркинлик фақат ҳуқуқдир, деганлар адашади. Эркинликнинг ўз мажбуриятлари ҳам бор. Бу — масъулият! Эркинлик фақат айрим қатламникигина бўла олмайди. Кимки шундай фикрда бўлса, у ҳамон эски замон муҳитида туриб ўйламоқда, яшамоқда, ишламоқда. Эркинлик ҳар ким ва барчанинг дахлсиз мулкидир. Бирон шахс, бирон тоифа, гуруҳ уни мутлақ ўзлаштириб олишга ҳақли эмас.

Эркинлик имтиёз эмас. Агар имтиёз бўлса, у барча учун тенг имтиёздир. Бундан чиқди, умумнинг эркинлиги умумнинг мажбуриятидир.

Ўтган уч йил ичида жамоатчилик давлатни назорат қилишни ўрганди, бироқ ўзини ўзи назорат қилишни ўрганишда оқсамоқда. Мазкур ҳолатни оқловчи бир асос бор: умумэркинлик биз учун бутунлай янгича, ўзбекнинг бирон авлоди шу чоққача тотиб кўрмаган ижтимоий ҳодисадир. Демак, биз эркинлик шароитида яшаш ва ишлаш, унинг куч-қудратидан нафақат ўз манфаатларимиз, балки миллий тараққиёт йўлида самарали фойдаланиш борасида ҳам изланишимиз, ўрганишимиз лозим! Янги Ўзбекистонни шу тариқа қура оламиз. Шундагина, Президентимиз сўзлари билан айтганда, **"ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди"**. Изланиш, ўрганиш, яратиш ғоясининг мағзи ҳам шунда!

**Азамат ЗИЁ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

Рағбат

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

*Олий Мажлис Сенатида "Сенат халқ манфаатларини қандай ҳимоя қилмоқда?" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этиб, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясаганини таъкидлади. Демократик ислоҳотлар натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда.

Шунингдек, учрашувда парламент юқори палатаси фаолиятини тезкор ва шаффофлик билан ёритаётган, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида аҳолига аниқ ахборотларни етказаётганлар ҳам журналист ва блогерлар экани айтиб ўтилди. Шу боис жорий йилнинг август ойида Олий Мажлис Сенати томонидан журналистлар ўртасида мазкур танлов таъсис этилган эди.

Танловга олтита номинация бўйича мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 50 нафарга яқин журналистлари ва блогерлари томонидан қарийб 500 та ижодий ишлар тақдим этилди.

Матбуот, телевидение, радио, интернет нашрлари ходимлари (журналист, фотожурналист), шунингдек, блогерлар томонидан турли мавзуда тақдим этилган репортаж, фоторепортаж, очерк, телеочерк, радиоочерк, таҳлилий мақола, журналистик суриштирув, телекўрсатув ва эшиттиришлар ўрганилди. Шу асосида журналист ва блогерлар танлов номинациялари бўйича ғолиб, деб топилди.



*Ғолиблар орасида таҳририятимиз вакиллари ҳам бор. Хусусан, мухбиримиз Мунисхон Каримова, фотомухбиримиз Ҳасан Пайдоевни эътироф этилгани билан самимий табриклаб, ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.*

Сенат Раиси танлов ғолибларига Олий Мажлис Сенатининг медали, 1, 2 ва 3-даражали дипломлар ҳамда эсдалик совғаларни топширди.

Йил давомида Олий Мажлис Сенати фаолиятини тезкор, холисона ва кенг ёритиб келаётган "Ўзбекистон 24" телерадиоканали жамоасига миннатдорлик билдирилиб, "Энг яхши ҳамкор оммавий ахборот воситаси" номинацияси бўйича тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

## Аҳоли фаровонлиги янада яхшиланади

*Бугун пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси иш бошлайди. Сенаторлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир неча янги қонунларни ҳамда бошқа долзарб масалаларни муҳокама қилиши кўзда тутилган.*

Кеча қўмиталарда қонунлар ва кун тартибидаги бошқа масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Жумладан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги ва "Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни муҳокама қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги қонун Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир. Қисқа вақт ичида Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимида муҳим бўғинга айланиб, Қуролли Кучларнинг бошқа таркибий қисмлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатди. Шу жиҳатдан ушбу қонун мазкур тузилманинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимояси каби масалаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, йиғилишда Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани чегарасини ўзгартириш, Термиз шаҳрининг чегарасини кенгайтириш ҳамда уларнинг чегараларини тасдиқлаш масаласи хусусида ҳам сўз борди. Унинг ижобий ҳал этилиши ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш ва мазкур ҳудудлар учун маҳаллий дастурларни тўлиқ рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидан бўлиши мажлисда алоҳида қайд этилди.

## Вазирликнинг ахбороти қониқарлими?

*Юқори палатанинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонун ҳақида сўз юритилди.*

Унинг мақсади мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Унда "алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар", "инклюзив таълим ва тарбия", "давлат мактабгача таълим ташкилоти", "нодавлат мактабгача таълим ташкилоти", "педагогнинг касбий стандарти" ва шу каби қатор тушунчалар алоҳида модда билан очиб берилган. Шунингдек, мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва кафолатлари батафсил ёритилган.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенцияси ижро этилиши ҳолати юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Мамлакатимизда ушбу конвенция ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, бугунги кунда республикамиздаги 33,7 миллион доимий аҳолининг 14,9 миллиони иқтисодий фаол бўлиб, уларнинг 13,6 миллиони иш билан таъминланган. Илк бор расмий секторда банд бўлганлар сони 2018 йил якунига нисбатан 5,7 фоиз кўпайган.

Шу билан бирга, таҳлилларга кўра, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тақдим этилган ахборотда айрим масалалар умуман ёритилмаган. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлашда хусусий бандлик агентликларининг фаолияти, бу борада юзага келаётган муаммолар ҳақида маълумот келтирилмаган. Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини битирган фуқароларнинг иш билан таъминланиши, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, шунингдек, талаб бўлмаган мутахассисликлар таҳлил қилинмаган. Қолаверса, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган, муайян мутахассисликка эга бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ишсизликдан, шунингдек, меҳнат бозорининг оммавий хатарларидан ижтимоий суғурталаш масалалари тўғрисида маълумот келтирилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат буюртмаси бўйича 104 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ва уларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш лозимлиги айтиб ўтилди.

## Истиқболдаги режалар белгилаб олинди

*Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида ҳам қўмитанинг фаолияти натижалари ва келгусидаги режалари хусусида сўз борди.*

Қисқа вақт ичида хотин-қизлар ўртасида кичик бизнесни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари тажрибасида қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар учун кичик грантлар ташкил этилди. Танлов якунларига мувофиқ, 60 дан ортиқ бизнес режалар қабул қилиниб, шулардан 50 таси амалга ошириш учун танлаб олинди.

Қўмита томонидан Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликка оид масалаларни ҳал этиш, ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтларининг ваколати ва профессионал даражасини ошириш мақсадида Гендер тенглик бўйича миллий платформа (ГТМП): "www.гендер-platform.uz" яратилди.

Шунингдек, мажлисда таъкидланганидек, қўмита ўз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Давлат бошқаруви органларининг гендер тенгликдан хабардорлигини ошириш мақсадида онлайн курс ишлаб чиқиш, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (YUNFPA) томонидан БМТ ваколатхонаси экспертлари иштирокида 2022 йилда халқаро стандартларга мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш масаласини ўрганиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

# УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН

### Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

*Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" қадам қўйганини нафақат барчамиз қалбан, руҳан ҳис қилиб турибмиз, балки бу жараёнларда иштирок этяпмиз. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар натижасида жамиятимиз ҳаёти, одамлар онгу тафаккури ўзгармоқда. Давлатимиз мадҳиясидаги "Улуғ халқ қудрати жўш урган замон" деган эзгу ният янги Ўзбекистон нафасида намоён бўляпти. Жаҳон улуғ халқ қудрати, бунёдкорлиги, илму ижоди жўш ураётган бу жараёнларни юксак эътироф этаётир.*

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги **"Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуғ мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз"**, деган сўзлари халқимиз қалбидаги ишончни янада мустаҳкамлади.

Бу жараёнлар дунёда глобаллашув даври, тараққиёт шиддати кучайиб, барча жабҳада кескин кураш ва рақобат тобора аёвсиз тус олаётган бир пайтда кечмоқда. Ана шу жараёнда биз кучли миллий ғояга эҳтиёж сезмоқдамиз. Чунки миллий ғоя соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғурур-ифтихор, орномусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу-умидларига куч-қудрат, ғайрат, жўшқинлик бахш этадиган, барчамизни умуммиллий ҳаракатга чорлайдиган омилдир.

Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши ҳамиша уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий ғоя асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллий ғоя уларнинг Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Мамлакатимизни тараққий эттириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни ривожлантириш долзарб масалага айланди. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясини Миллий стратегиямиз, десак ҳам адашмаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 апрелдаги "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши асосида таниқли олимлар, экспертлар, ижодкор зиёлилардан иборат ишчи гуруҳ томонидан Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдим этилаётган концепция лойиҳаси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан, шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим ютуқларини ўзида мужассам этган.

Ўзбекистоннинг миллий ғояси мустаҳкам, туби асрлар қаърига бориб етувчи маънавият асосига қурилади. Сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернет, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик тарғиботи миллий ва умуминсоний қадриятлар емирилишига, одамзоднинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларни асраш мустақилликни асрашдек муҳимдир.

Мазкур концепцияда мамлакатимизда миллий юксалиш ғояси асосида амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар акс этган. Юртимизда тинчлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, демократик тамойилларни тўлиқ қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва адолат, моддий ҳамда маънавий ҳаётнинг баробар ривожланиши ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари"**, деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқмоқда.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари сирасига киритилган "Ягона Ватан туйғуси", "Адолат — қонун устуворлигида", "Халқ розилиги", "Жаҳолатга қарши — маърифат", "Инновацион тараққиёт" тушунчалари миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари деган улуғ мақсад давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини комплекс ривожлантиришни, халқимизга бунёдкорлик ва яратувчанлик руҳини бахш этишни назарда тутади.

Лойиҳада мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва мақсадлари очиқ-ойдин, халқона, аниқ ва равон тушунтирилган. Ўзбекистон 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлат қаторига киришни энг асосий вазифалардан бири сифатида белгиланганлигининг ўзиёқ бу борадаги юксак мақсад-муддаоларнинг нақадар жиддийлигини кўрсатади.

Албатта, бундай катта вазифалар қўйилишида муҳим асослар бор. Маълумки, бугунги кунда дунёдаги тараққий этган мамлакатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, уларнинг барчасига хос умумий ўхшашлик илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва ишланмаларни ҳаётга кенг жорий этиш, инсон капиталини ривожлантиришга бўлган юксак эътиборда намоён бўлади.

Маърифатпарвар боболаримиз бундан юз йиллар олдин "Замона илму фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур", дея жаҳон рақобат майдони эканини, бунинг кучаяжагини айтиб, бонг урган эдилар. Лекин уларнинг фарёди эшитилмади, англанмади, амал либосини киймади. Бугун инсоният рақобатнинг янги, янада шафқатсиз даврига қадам қўйди. Дунё давлатлари ўртасида инсон капиталига асосланган кескин рақобат кучайиб бораётир.

> Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясида мамлакатимизда миллий юксалиш ғояси асосида амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар акс этган. Юртимизда тинчлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, демократик тамойилларни тўлиқ қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва адолат, моддий ҳамда маънавий ҳаётнинг баробар ривожланиши ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари", деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимиз табиий захиралари, иқтисодий ва инсоний салоҳиятига кўра дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бу — халқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир. Қадим даврлардан буён юртимиз ҳудудидан Имом Бухорий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мотуридий, Замахшарий, Навоий каби жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Халқимизда бир нақл бор: "Оққан дарё оқади".

Ёшларга илм олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилса, нафақат боболарга муносиб авлодлар тарбияланади, балки инсон капиталининг катта бунёдкор захирасини яратишга эришамиз. Бу эса мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига кўтаришда, иқтисодиётни, бутун юртни инновацион асосда ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Лойиҳада ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонлик бўйича илгари сурилган беш муҳим ташаббус, "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши назарда тутилмоқда. Айниқса, мактабларимизнинг 1 — 11-синфлари учун "Тарбия" фанининг жорий қилинаётгани миллатнинг тамоман янги авлодини тарбиялашга қаратилган миллий иродамиз ишга тушганини кўрсатмоқда.

Концепция лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганидан кейин у қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Энг муҳими, бу жараёнда ўзини чинакам Ватан фарзанди, деб билган, унинг тақдири, келажагига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф, эътирозларини билдирдилар.

Шу билан бирга, Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси ҳудудларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида зиёлилар, меҳнат жамоалари, кенг жамоатчилик иштирокида, ижтимоий тармоқларда, таълим муассасаларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Муҳокамалар жараёнида вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий, ўрта махсус, умумий ўрта таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, адабиёт, санъат, маданият намояндалари, зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Муҳокамалар жараёни фақат бир ҳудуд, бир жамоа ўртасида эмас, ўзининг кенг кўламлилиги ва илмийлиги билан ажралиб туришини ҳам кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга қадар Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатларида жами 63 мингдан ортиқ жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, 480 дан зиёд таклифлар билдирилди. Қолаверса, Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги экспертлар гуруҳи томонидан юборилган таклифлар, ижтимоий тармоқлардаги муносабатлар ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда.

Билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларда ўзбек тилининг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, мустаҳкам оилани миллий ғоянинг асосий тамойиллари қаторига киритиш, миллий ғоя халқчиллигини таъминлашда адабиёт ва санъатнинг таъсирчан имкониятларидан кенг фойдаланиш, асосий тамойилларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланяпти.

Муҳокамалар ҳали давом эттирилиб, нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, балки маҳаллалардан ҳар бир оилага қадар кириб боради. Миллий ғоя халқимизники, янги Ўзбекистонники! У Ватанимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, муддаолари акс этган улуғ қалбига айланиши керак. Шундай экан, унга бефарқ бўлмасдан, муҳокамаларда ўз фикрларимиз билан қатнашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ҳар қандай шараф ва юксалиш йўли, аввало, бурчни англашдан, унга садоқатдан бошланади.

**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.**

Хушхабар

*Колумбиянинг Богота шаҳрида ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг 14-сессияси бўлиб ўтди.*

## «ЛАЗГИ»

### ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди



Унда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги элчиси У. Шадиев бошчилигидаги делегация "Лазги" ҳақида тақдимот намойишини ўтказиб, мамлакатимизнинг бой тарихи, маданий салоҳияти билан иштирокчиларни яқиндан таништирди.

ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича Ҳукуматлараро қўмитаси "Лазги"ни инсониятнинг номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига овоз бермасдан кенг консенсус асосида киритишни маъқуллади. Шу тариқа, Хоразм рақси — "Лазги" инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон маданий меросининг элементи сифатида киритилди.

Шунингдек, бахшичилик санъати ҳамда этник спорт турларини мазкур рўйхатга киритиш бўйича иш бошланди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР — ҚАШҚАДАРЁДА

*Парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайлови муносабати билан ушбу сиёсий тадбирга тайёргарликнинг боришини ўрганиш мақсадида халқаро ташкилотлар кузатувчилари юртимиз ҳудудларига ташриф буюрмоқда. Уларга сайлов участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёнини бевосита кузатишлари учун барча имконият яратиб беріляпти.*

Сайлов — 2019

Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси аъзоси — МДҲ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси Олег Кулеба Қашқадарё вилояти сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 125-Қарши округ сайлов комиссиясида бўлиб, сайловларга тайёргарлик ишларини кўздан кечирди.

— Аввал ҳам Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида қатнашганман, — деди Олег Кулеба. — Мамлакатингизда Сайлов кодекси қабул қилиниши сайлов жараёнларида нимани ўзгартиргани, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари кўпчиликни, шу жумладан, бизни ҳам қизиқтиради.

Халқаро кузатувчи Халқаро матбуот марказининг Қашқадарё вилояти бўлимида журналистлар учун яратилган шароитлар ва бу ердаги тайёргарлик жараёнлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасидан маълум қилишларича, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари Марк Валлер ва Элиска Флидрова Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Меҳмонлар телерадиода ҳақ эвазига эфир вақти ажратилиши юзасидан белгиланган мезонлар, бу галги сайловлар тарғиботининг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, сайловга оид кўрсатувларни аҳолининг қанча қисми кузатиб бораётгани билан ҳам қизиқдилар.

Халқаро кузатувчилар билан учрашувда таъкидланишича, ушбу сиёсий тадбирни кузатиш учун ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 250 нафар қисқа муддатли кузатувчиси келади, уларнинг 22 нафари Қашқадарёда бўлади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Молия муассасаларида

# САЙЁР ҚАБУЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ

*Жиззах вилоятида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви мутасаддилари иштирокида тадбиркорлар ҳамда молия муассасаси мижозлари билан учрашув бўлиб ўтди.*





Тадбирда сўнгги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, бу борада қабул қилинаётган янги қонунлар, Фармон ҳамда қарорлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларга банк фаолиятига оид, хусусан, кредит маблағлари ажратиш, омонатлар, пластик карточка ва терминаллар бериш, "SMS-банк", "Интернет-банк" хизматлари, халқаро пул ўтказмалари, банк тарифлари бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

Сайёр қабул давомида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг турли мазмундаги мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларнинг ижроси юзасидан масъулларга зарур кўрсатмалар берилди.

— "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида "Фитнес клуб" очиш лойиҳаси юзасидан ҳужжатларни тайёрлагандим, — дейди Жиззах шаҳридаги "Бурҳоншер" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Озод Набиев. — Шу мақсадда "Микрокредитбанк"нинг Жиззах филиалидан 300 миллион сўм кредит олмоқчи эдим. Банк раҳбарлари ўтказган сайёр қабулда ушбу масаламни имкон қадар тез фурсатда ҳал этишга ваъда беришди.

Сайёр қабул давомида Зомин туманилик тадбиркор Машраб Ўразалиевнинг тўйхона қуриш учун 800 миллион сўм, Жиззах шаҳридаги Бобур маҳалласидан Анвар Жавлоновнинг хусусий клиника учун 347 миллион сўм, Шароф Рашидов туманидан Маъруф Тоҳировнинг иссиқхона учун 500 миллион сўм кредит олиш бўйича мурожаатлари жойида ҳал қилингани диққатга сазовор.

MIKROKREDITBANK

Бундан ташқари, 7 нафар тадбиркорнинг мурожаатини ҳал қилиш учун банк масъулларига топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинди. Йиғилиш давомида мурожаатлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида туман филиалларига "business.gov.uz" ягона интерактив порталидан фойдаланиш имконияти яратилиб, мувофиқлаштириб борилаётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида — Хизматлар лицензияланган.

# ХАЛҚ БАНКИДАН ЯНА БИР ЯНГИЛИК

XalqBanki

*Банклар фаолият кўлами кенгайтирилиши, мижозлар билан яқиндан ишлаб, жойларда янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинишида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.*

Шу маънода, акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан экспорт-импорт лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида (пахта ва пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик соҳалари бундан мустасно) янгиликка қўл урилгани диққатга сазовор.

Гап шундаки, АТ Халқ банки АҚШнинг "Cargill Financial Services International, Inc." молия компаниясидан 55 миллион евро миқдорида кредит линиясини жалб қилди.

Энди тадбиркорлар "Cargill Financial Services International, Inc." кредит линияси кўмагида Ўзбекистоннинг исталган ҳудудида ўз лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин.

**Банк ахборот хизмати.**



# ЧИНАКАМ ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИ



**Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

***Бош Қомусимиз халқимизнинг орзулари ҳамда интилишлари рўёбга чиқишига мустаҳкам замин яратган асосий ҳужжатдир. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар билан бирга, жамият тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим масалаларга бирма-бир тўхталиб, ўз таклифларини айтди.***

***Маърузада тилга олинган ҳар бир йўналиш, фикр-мулоҳазалар мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакилларида катта қизиқиш уйғотиб, у чуқур ўрганилмоқда.***

**Эътироф**

## «Ўзбекистонда ислоҳотлар изчил давом этишидан мамнунмиз»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасига юртимизда фаолият юритаётган хорижлик дипломатик корпус вакиллари ҳам ўз муносабатини билдирмоқда.



**Ҳелена ФРЕЙЗЕР,**
**БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси:**

— Ўзбекистон Президентининг маърузаси менда чуқур таассурот қолдирди. Унда кўтарилган масалалардан шуни англаш мумкинки, мамлакат қонунчиликни такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ислоҳотларда изчил давом этади.

Якунига етаётган йилда Ўзбекистонда жуда кўп муҳим ишлар амалга оширилди. Улар орасида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг тугатилишини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ушбу қарор БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича механизмларининг аввалги тавсияларига, жумладан, 2018 йил май ойида бўлиб ўтган 30-сессиядаги Универсал даврий ҳисоботнинг 3-даврида айтиб ўтилган "Жаслиқдаги колонияни ёпиш, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси томонидан мониторинг учун тўлиқ ва тўсиқсиз киришни таъминлаш ва БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазоларнинг олдини олиш бўйича конвенциясининг Факультатив протоколини ратификация қилиш" тавсиясига мос келади.

Умуман, мазкур муассасанинг ёпилиши инсон ҳуқуқлари йўлидаги ислоҳотларда муҳим қадамдир.

**Тимоти ТОРЛОТ,**
**Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кейинги уч йил ичида қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш йўлларини чуқур таҳлил асосида очиб берди.

Ўзбекистонда фаолиятини яқинда бошлаган дипломат сифатида шуни айтишим мумкинки, мамлакат етакчиси эртанги кунга узоқ назар билан қараши, олдинда турган вазифаларга ўта теран ёндашиши билан мени лол қолдирди.

Сўз эркинлиги, медиа мустақиллиги, хотин-қизлар мавқеини ошириш учун шароитлар яратиш тўғрисида фикр юритилди. Булар жуда муҳим. Ўзбекистонда парламентни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

**Ғамхўрлик**

## Ватан қадрини бизлардан сўранг...

*Турмуш ўртоғимнинг қутқуси билан чет элга отланганимда юртдан бутунлай айро тушишим етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Сурияда бизни ваъда қилинган жаннат эмас, машаққатга тўла азобли кунлар қарши олди. Айниқса, болаларим туғилиб ўсган гўшасини қўмсаб, зор йиғлаган пайтларда дунё кўзимга тор кўриниб, бошимни қаерга уришни билмай қолардим. "Наҳотки, наҳотки, шу зулматда бутунлай қолиб кетсак?!" Ана шу савол бизга асло тинчлик бермасди.*

Йўқ, Яратганнинг ўзи куну тун қилган нолаларимизни яхши инсонлар дилига солди. Президентимиз ташаббуси ҳамда қатъий саъй-ҳаракатлари билан мен ва ўзим сингари ўзга юртда сарсон-саргардон бўлган бахтиқаролар Ватанимизга қайтдик. Бизни оловли жойлардан олиб келган самолёт юрт остонасига қўнган ўша лаҳзаларни кўзимда қувонч ёшлари билан эслайман.

Ҳаммамиз самолётдан тушибоқ, она юрт тупроғига бош урдик. Барчамизнинг кўнглимизда ҳадик аралаш севинч туйғуси чарх урарди: наҳотки барча кўргиликлар ортда қолган бўлса?!

Ўшанда сездим, Ватан ўз фарзандларини ёмон кунларда ёлғиз қолдирмас экан. Уч фарзандим билан киндик қоним тўкилган юртга қайтган куним қайтадан дунёга келгандай бўлдим.

Меҳр-оқибат фақат шунинг ўзи билан кифоялангани йўқ. Хориждан қайтар чоғда энди одамлар бизга ёмон кўз билан қарашса керак, деган ўйда эдик. Қариндош-уруғ, маҳалладошларимиз бизни самимий қарши олди. Бирор киши эгри йўлдан юриб, шундай кулфатга рўбарў бўлганимизни юзимизга солмади. Аксинча, дастлабки кунлари ош-нон билан йўқлашди, кўнглимизни кўтаришди.

Тез кунларда ҳаётимиз анча изга тушди. Маҳаллий ҳокимият, Хотин-қизлар қўмитаси ёрдами билан "Идеал грант" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашдим. Ёшликда ўрганган ҳунарим — чеварлик қилиб, рўзғорни тебратиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман. Фарзандларим тақдиридан ҳам кўнглим тўқ. Бир ўғил ва бир қизим мактабда ўқияпти. Кенжамни болалар боғчасига жойлаштирганмиз.

Гоҳида ўзга юртда кечган аламли кунлар ёдга тушиб қолади. Инсондай яшаш учун сира имкон қолмаган дамларни унутиш осонми? Шундай пайтларда дарров шукр қиламан. Чунки меҳрибон ота мисол ҳеч бир фарзандини ёлғиз қолдирмайдиган юртнинг бағридаман.

**Баҳринисо УСТАБОЕВА.**
Наманган шаҳри

**Муносабат**

## «Бу мурувватни ҳеч қачон суиистеъмол қилмайман»

*Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.*

*Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 92 нафар фуқаро афв этилди. Энди улар эркин ҳаётга қайтарилади.*

*Бу эса кўплаб оилаларга қўшалоқ байрам шукуҳини олиб кирди, десак, айни ҳақиқат. Афв этилганлар, уларнинг оила аъзолари кўрсатилган бундай ғамхўрликдан жуда мамнун. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

**Одилжон АБДУВАЛИЕВ**
**(Андижон вилояти, Хонобод шаҳри):**

— Юртимизда инсонийликка шу қадар амал қилинадики, ҳатто жиноят содир этган шахсга нисбатан ҳам одамийлик қўлланилади. Ўғлим Олимжон Абдувалиев амалдаги тартибларга риоя қилмай, жиноят кўчасига кириб қолди. Одам 40 ёшдан ошганда хато қилмасин экан. Фарзандларига намуна бўлиши керак бўлган бир пайтда ҳаётида нохушликлар рўй берди.

Президентимизнинг тегишли Фармонига асосан ўғлимнинг жазодан озод этилиши юрагимиз тубидаги мана шу дардлардан фориғ этди. Бу қадар эътибор оиламиз учун катта шодиёнага айланди. Мамлакатимиз Конституцияси байрамида айрим маҳбусларга нисбатан қўлланилган бундай имкониятдан фарзандларимиз тўғри хулоса чиқаради, албатта.

**Элбек ИБРАГИМОВ**
**(Хатирчи тумани, "Ўзбекистон" МФЙ):**

— Мен шу йил 28 ёшга кирдим. Ҳаётимнинг уч йилдан ошиғи жазони ижро этиш муассасасида ўтди. Менга суд ҳукми билан ўн йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган эди. Албатта, бу муассасадаги ҳар бир кун, ҳар бир дақиқани ўзим учун муҳим ҳаётий хулосалар вақти, десам ҳам бўлади. Қилмишимдан чин дилдан пушаймон бўлдим.

Давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, жазонинг қолган қисмидан озод этиларканман, Юртбошимиз, халқимизнинг мурувватини, ғамхўрлик, инсонпарварлик каби олий фазилатларини ҳеч қачон суиистеъмол қилмайман.

Конституция куни байрамини оилам бағрида, қариндошлар даврасида кутиб олдим. Барча табрикладилар. Вилоят ИИБ бошлиғи келиб, бундан кейинги режаларим билан қизиққани ҳамда оилавий шароитим билан танишганидан қувондик. Ҳақиқатан ҳам, адашган одамдан ўзини четга олмаслик кишида яхшиликни тарбиялайди. Одам ўз орзу-ниятларига эришишида суянч бўлади. Ҳаммаси учун раҳмат.

- Сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича **8 та Фармон** қабул қилиниб,
- **4 мингдан зиёд** шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди.



**«МЕҲР-1» ВА «МЕҲР-2» ТАДБИРЛАРИ ДОИРАСИДА**

- Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан **261 нафар** фуқаро, асосан, аёллар ҳамда болалар юртимизга қайтариб олиб келинди.
- Уларга **зарур тиббий ва моддий ёрдам** кўрсатилди.



## Тинч ва осуда яшаш бахти нима эканлигини ўша кунларда ҳис этдим

*Алдов оқибатида оғир ҳаётий даврни бошдан ўтказдик. 2011 йилда турмуш ўртоғим билан бирга Сурияга боргандик. 8 йил давомида кўрмаган азобим, тортмаган жабру ситамим қолмади. Ўғлим ўшанда гўдак эди. У ҳам ана шу азоблар ичида яшади. Икки йил аввал турмуш ўртоғим вафот этди. Ҳар дақиқада ўқ овози ичида, доимо ўлим хавфини ҳис этиб яшадик. Муҳтожлик, очликдан жуда қийналдик, яшашга ҳолимиз қолмаганди.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан 30 май куни бизни махсус авиарейсда Суриядан Тошкент шаҳрига олиб келишди. Ватаним, она юртим тупроғини кўриш яна насиб қилганидан Яратганга шукрона айтдим. Чунки энди юртга қайтишимиз мумкинлигига ишонмасдим, билиб-билмай қилган хатоимиз кечирилишига кўзимиз етмасди. Кўзларимда ёш билан муқаддас заминимизга қадам қўяр эканман, шундай мусаффо осмон остида тинч, осуда яшаш бахти нима эканлигини ўша кунлар ич-ичимдан ҳис этдим.

Бизни бир муддат Тошкент вилоятидаги "Бўстон" сиҳатгоҳида сақлаб, саломатлигимизни тиклашга кўмаклашишди. Қаршига келганимизда ҳам темир йўл вокзалида яқинларим, масъул ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ҳурмат билан кутиб олди. Бу Ватан қадрини англаш учун бир имконият бўлди. Бизга ишонч билдириб, юртимизга қайтарган Юртбошимиздан, халқимиздан бир умр миннатдормиз.

**Меҳринисо НАЗАРОВА.**
Қарши тумани

**Фахр**

## «Тақдирим шу юрт билан боғланганидан розиман»

**Одилжон ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
**Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари:**

— Болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилган эдим. Аммо афсуски, бу ниятимга етолмадим. Негаки, айни мактабни битирган 2007 йилда ҳали Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинмагандим. Яна синфдошларим ўтган сайловларда илк бор овоз беришда қатнашганда уларга фақат ҳавас қилолдим, холос...

Бундай ҳолатларда шу юртда таълим олиб вояга етган юртдошларимизнинг чексиз меҳридан қувонсам-да, ҳуқуқий жиҳатдан ўзимни бегонадек ҳис қилар эдим. Шукрки, бу кунлар ўтди. Шу йил бошида орзиқиб кутганим, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигимни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт қўлимга тегди. Ва ўша дамлар ҳаётимдаги энг азиз онлар бўлиб қолди.

Мана, ўттиз ёшга кирган бўлсам-да, бу йил сайловда илк бор қатнашаман. Бу мен учун жуда муҳим. Жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи, халқимизнинг фаровонлиги ва бахтиёр ҳаёти учун овоз бераман!

Ўзим етолмаган орзуим ижобатини эса ҳозирда икки ярим ёшли ўғлим Алижоннинг келажагида кўришни ният қилганман. Ўғлим, албатта, ҳарбий соҳани танлашини, шу азиз Ватанимиз учун фидойи инсон бўлишини жуда-жуда истайман.

Ўтган уч йилда **9 692 нафар**, жумладан, жорий йилда **5 868** нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

**Шундан:**
2017 йилда **1064** нафар;
2018 йилда **2 760** нафар;
2019 йилда **5 868** нафар.
Бу борадаги кўрсаткич 1991 — 2016 йиллар мобайнида **482** нафарни ташкил этган, холос.



**Зебунисо АШУРОВА,**
**Музработ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:**

— Мен Тожикистон Республикасининг Қабадиён туманида туғилганман. Ёшим 32 да. Бундан 28 йил муқаддам оила аъзоларимиз билан Ўзбекистонга кўчиб келиб, муқим яшамоқдамиз.

Ўтган йиллар давомида шу юртда умумий ўрта таълим олдим, униб-ўсдим, камол топдим. Термиз давлат университетининг хорижий тиллар факультетини тамомлаб, Музработ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида ёшларга немис тили фанидан сабоқ бериб келяпман. Бу орада музработлик Салим Исмоилов билан оила қурдик, 3 нафар фарзандни вояга етказмоқдамиз. Гарчи, қўшни давлатда туғилган бўлсам-да, тақдирим шу юрт билан боғланган экан. Бундан минг бор розиман.

Аммо ҳозирга қадар фуқаролигим йўқлиги сабабли изтироб чекардим. Ватанда яшаб, айрим ҳуқуқларим чекланганидан оғринардим. Рости, ҳар ненинг қадрини фақат йўқлигида ҳис қиларкансан киши. Шукрки, бу йил Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деган шарафга эга бўлдим. Кўнглимдаги кемтиклик ўрнини қувонч, шодлик тўлдирди. Энди Ўзбекистон Республикасининг тўлақонли фуқароси сифатида шу юртга хизмат қилиш, унинг равнақига ҳисса қўшиш орзусидаман.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6